

Ўзбекистон шахмат Федерацияси Ижроия қўмитаси йиғилиши

Баённомаси

2014 йил 2 июн

№ 10

Қатнашувчилар:

Турдиалиев Х.Х. – Ўзбекистон шахмат федерацияси раисининг биринчи ўринбосари, Ижроия қўмита аъзоси;

Гафуров Э.Ш. - Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси ўринбосари, Ижроия қўмита аъзоси;

Умурзоқов Б.Х. – Ўзбекистон шахмат Федерацияси раиси ўринбосари, Ижроия қўмита аъзоси;

Синдаров К.О. – Ўзбекистон шахмат Федерацияси раиси ўринбосари, Ижроия қўмита аъзоси;

Усаров О.А. - Ўзбекистон шахмат Федерацияси матбуот котибияти рахбари, Ижроия қўмита аъзоси;

Таклиф этилганлар:

Мўминова Нафиса – Ўзбекистонлик гроссмейстер, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси.

Мўминов Алишер – Мўминова Нафисанинг отаси.

Сўзга чиққан **Х. Турдиалиев**, Ўзбекистон шахмат Федерациясининг 2014 йил, 23-май куни бўлиб ўтган Ижроия қўмитаси қарорининг 1-бандига биноан (илова қилинади), Норвегияда бўлиб ўтадиган шахмат бўйича Жахон Олимпиадасида қуйидаги ўйинчиларнинг катнашиши ҳақида қарор қабул қилинганлиги тўғрисида гапириб берди:

- Мўминова Нафиса
- Курбанбаева Сарвиноз
- Баймурадова Севара
- Тохиржонова Гулрухбегим
- Қахрамонова Мохинур

Аmmo, опа-сингил бўлган Мўминова Нафиса ва Тохиржонова Гулрухбегим, агар Қахрамонова Мохинур ўрнига уларнинг синглиси Тохиржонова Хулкар ушбу мусобақада қатнашмаса, уларнинг ўзлари ҳам Норвегияга бормаслиги ҳақида билдириб ўтдилар.

Сўзга чиққан **Н. Мўминова** ва **А. Мўминов**, Ўзбекистон терма жамоасини бош муррабий В.Егин таклиф қилган таркибда, яни Тохиржонова Хулкар билан Жахон Олимпиадасига бориш кераклигини гапириб берди. А. Мўминов, агар Хулкар ушбу мусобақага қатнашмаса, опа-сингиллар ушбу мусобақага қатнашмаслиги кераклиги ҳақида гапириб ўтди.

Сўзга чиққан **Э.Гафуров**, Н. ва А. Мўминовларнинг хатти-харакатларини шантаж, яни дўк қилиш билан тенглаштирди. 2013 йилда бўлиб ўтган аёллар ўртасидаги Гран-Прида Федерация маъмуриятининг Н.Мўминовага кўрсатган хурмат ва эътибордан кейин, унинг бу ҳаракатлари номақуллиги ҳақида сўзлаб берди.

Сўзга чиққан **К. Синдаров**, Норвегияда бўлиб ўтадиган мусобақага қатнашадиган ўйинчилар рўйхитини Ижроия кўмита хал қилишини, бош муррабийнинг эса, фақат бунга таклиф киритиш ҳуқуқи борлиги ҳақида сўзлаб берди.

Сўзга чиққан **Б.Умурзоқов**, Ўзбекистон шахмат Федерациясининг 2014 йил, 19-мартда бўлиб ўтган Ижроия кўмитаси қарорининг 6-бандига мувофиқ (илова қилинади), спортчиларнинг ота-оналари ўйинга аралашларига йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида сўзлаб берди.

Сўзга чиққан **А. Мўминов**, Ўзбекистон шахмат Федерацияси унинг қизларини тан олмаслигини, аслида Хулкар Қахрамонова Мохинурдан кўра яхшироқ ўйнаши ҳақида гапириб берди.


Сўзга чиққан **Х. Турдиалиев**, Мохинур ва Хулкар орасида охириги марта бўлган ўйинда (аёллар ўртасидаги Ўзбекистон Биринчилиги, Олий Лига) Мохинурнинг қўли баланд келганлиги, Мохинурнинг ушбу мусобақада 2-ўрин, Хулкарнинг эса 4-ўрин олганлиги ҳақида сўзлаб берди. Бундан ташқари, Хулкарнинг 2013 йилда Тожикитонда бўлиб ўтган Ўрта Осиё Кубогида 9 баллдан 4 балл олиб, 26-ўрин эгаллаган. Мохинур эса ушбу йилда бўлиб ўтган 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Ўзбекистон Биринчилигида 1 ўрин эгаллагинини таъкидлаб ўтди. Шунинг учун, Норвегияга айнан Мохинурни жўнатиш қарори тўғри бўлганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Сўзга чиққан **О. Усаров**, Н. Мўминовага мустақил қарор қабул қилиш кераклигини, Ўзбекистон шарафини хориж давлатларда Хулкарнинг опаси сифатида эмас, балки Ўзбекистоннинг биринчи ўйинчиси сифатида химоя қилиш кераклиги ҳақида сўзлаб берди.

Мухокамалар натижасида Н.Мўминовага яхшилаб ўйлаб кўриб иш тутиш, ва мустақил қарор қабул қилиш учун вақт бериш таклиф қилинди.

**Раислик қилувчи -
Ўзбекистон шахмат Федерацияси
раисининг биринчи ўринбосари**

Котиб



Х.Х. Турдиалиев

А.Ф. Раимов